

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши

2026 йил январь-май ойлари учун

- I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони
- II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари
- III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- IV. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар


I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони

2026 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, республикада 62,0 мингта саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида корхоналарнинг катта қисми қуйидагиларга:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 12,4 мингта (20,0 %);
- бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 8,7 мингта (14,0 %);
- кийим ишлаб чиқариш – 6,2 мингта (10,1 %);
- тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш – 5,1 мингта (8,2 %);
- мебель ишлаб чиқариш – 4,3 мингта (6,9 %);
- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 3,8 мингта (6,1 %);
- резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – 2,9 мингта (4,7 %)га тўғри келди.

1-расм. Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида саноат корхоналари улуши

2026 йил 1 июнь ҳолатига кўра



II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь–май ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми жорий нархларда 505,9 трлн сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда **7,9** фоизга ошган.

1-жадвал. Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва физик ҳажм индекси

	Ҳажми, млрд сўм	Физик ҳажм индекси, % да
Ўзбекистон Республикаси	505 933,2	107,9
ҳудудлар:		
Қорақалпоғистон Республикаси	12 061,2	107,7
Андижон вилояти	44 049,7	109,3
Бухоро вилояти	20 737,6	108,1
Жиззах вилояти	15 630,9	112,1
Қашқадарё вилояти	19 329,9	108,0
Навоий вилояти	128 500,2	105,2
Наманган вилояти	16 050,7	108,5
Самарқанд вилояти	25 480,0	109,5
Сурхондарё вилояти	7 560,9	108,4
Сирдарё вилояти ¹⁾	10 952,4	108,2
Тошкент вилояти	80 029,6	107,9
Фарғона вилояти	23 054,8	108,2
Хоразм вилояти	14 557,4	108,0
Тошкент шаҳри	81 663,0	107,3

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари \(ойлик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари \(йиллик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси \(ойлик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси \(йиллик\)](#)


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинганда Навоий вилоятида (**115,4** млн сўм), Тошкент шаҳрида (**25,6** млн сўм) ва Тошкент вилоятида (**25,3** млн сўм) республика ўртача кўрсаткичи (**13,2** млн сўм)дан юқори натижалар қайд этилган.

Шунингдек, республикада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати **105,9** % ни ташкил этди. Бунда Жиззах вилояти **110,0** %, Самарқанд вилояти **107,5** % ва Андижон вилояти **107,4** % ўсиш суръати билан республика кўрсаткичидан юқори натижага эришди.

¹⁾ вилоятда янги ишга туширилган давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳажми қамровини ҳисобга олган ҳолда.

2-расм. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
январь-май ойларида



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(йиллик\)](#)

[Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(ойлик\)](#)

Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари

2026 йилнинг январь-май ойларида саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келди. Унинг умумий ҳажми **436,2** трлн сўмни ташкил этиб, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши **86,2** фоизга етди. Шунингдек, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш **34,7** трлн сўм (**6,9** %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **32,4** трлн сўм (**6,4** %) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **2,7** трлн сўм (**0,5** %) ҳажмни ташкил этди.

3-расм. Секциялар бўйича саноат ишлаб чиқариши
2026 йилнинг январь-май ойларида



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркиби 4 та В, С, Д, Е секциядан иборат:

В - тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш;

С - ишлаб чиқариш саноати;

Д - электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш;

Е - сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишдан ташкил топган.

III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2026 йил январь-май ойларида республикада қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди: табиий газ – **15,8** млрд м³, нефть – **261,9** минг т, кўмир – **1,6** млн т, автомобиль бензини – **502,2** минг т, дизель ёқилғиси – **476,4** минг т, портландцемент – **8,2** млн т, ип калава – **317,1** минг т, юмшоқ буғдой ва спельта уни – **630,4** минг т.

2-жадвал. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-май ¹⁾	2025 йил январь-май ¹⁾	2026 йил январь-май
Автомобиль двигателлари, дона	107 468	94 257,0 ²⁾	103 293
Автомобиль бензини, минг т	569,7	492,4	502,2
Дизель ёқилғиси, минг т	389,7	442,0	476,4
Кўмир, млн т	1,9	2,5	1,6
Нефть, минг т	305,0	270,8	261,9
Табиий газ, млрд м³	18,9	18,4	15,8
Газ конденсати, минг т	528,4	482,1	391,7
Портландцемент, млн т	6,2	7,8	8,2

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-май ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

²⁾ «UZAUTO MOTORS POWERTRAIN» АЖ томонидан 2026 йил январь-май ойларида ўтган йилнинг мос даври бўйича автомобиль двигателлари ҳамда цилиндр блоклари ишлаб чиқариш ҳажмларига оид маълумотлар алоҳида аниқлаштирилган ҳолда тақдим этилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(йиллик\)](#)

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибига кирувчи айрим иқтисодий фаолият турларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – **16,2** %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши – **14,2** %, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар, электр ускуналар, бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар,

автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш ва машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатишнинг улуши – **16,2 %** ҳамда кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – **6,4** фоизни ташкил этди.

**3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автомобиллар сони
январь-май ойларида, донада**

Саноат маҳсулотлари	2025 йил ¹⁾	2026 йил
Юк автомобиллари	1 873	2 413
Енгил автомобиллар	171 211	190 480
<i>шундан:</i>		
Махсус енгил автомобиллар	17 397	23 791
“Cobalt”	58 904	69 302
“Damas”	38 753	35 269
“Tracker”	18 079	18 519
“Onix”	16 215	15 157
“KIA”	10 076	11 128
“Chery”	3 362	3 156
“Haval”	2 930	4 038
“BYD”	5 495	10 120

¹⁾ 2025 йилнинг январь-май ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳаси

2026 йилнинг январь-май ойларида **36 167,3** млн кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда **3,1** фоизга ошган (асосий фаолияти электр энергия ишлаб чиқариш бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ва уй хўжаликларида ишлаб чиқарилган электр энергиясидан ташқари).

Йирик корхоналар томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса **17,4** фоизга камайган.

2026 йилда кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида олинadиган газ ишлаб чиқарилмаган.

4-жадвал. Электр энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-май ¹⁾	2025 йил январь-май ¹⁾	2026 йил январь-май
Жами ишлаб чиқарилган электр энергияси, млн кВт соат	34 117,0	35 064,2	36 167,3
<i>шундан:</i>			
йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)	31 201,3	26 316,5	24 812,5
кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (қузатув маълумотлари асосида) ²⁾	2 915,4	8 747,7	11 354,8
Иссиқлик энергияси, минг Гкал (йирик корхоналар)	11 489,1	10 211,4	8 429,8

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-май ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

²⁾ Асосий фаолияти электр энергияси ишлаб чиқариш бўлган кичик корхоналар.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳаси(йирик корхоналар томонидан)

Тўқимачилик чиқиндилари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,6** фоизга камайган, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар ҳажми **12,8** фоизга ошган.

5-жадвал. Сув билан таъминлаш, канализация тизими ва чиқиндилар бўйича айрим кўрсаткичлар

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь-май ¹⁾	2025 йил январь-май ¹⁾	2026 йил январь-май
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд сўм	253,2	273,5	308,4
Чиқинди ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млн сўм	166,1	171,3	172,6
Тўқимачилик чиқиндиларқи, минг т	7,6	10,4	10,3

¹⁾ 2024-2025 йилларнинг январь-май ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган.

IV. Услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (O‘zDSt 2914:2014) кодларидан



фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Буларга тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича хизматлар (B, C, D, E секциялари) киради.

Айрим ҳолларда учрайдиган жамланма кўрсаткич билан қўшилувчи рақамлар ўртасидаги катта бўлмаган тафовутлар рақамларнинг яхлитланиши билан изоҳланади.

Фойдали ҳаволалар

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/855-sanoat-ishlab-chiqarishining-umumiy-hajmi-qiymatini-baholash-bo-yicha-uslubiy-nizom-ni-tasdiqlash-to-g-risida>

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/865-sanoat-ishlab-chiqarishining-fizik-hajm-indeksini-hisoblash-bo-yicha-uslubiy-nizom>

Тайёрлаш учун масъул:
Саноат ва энергетика
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
О. Измаилов
+998 71 203-80-00 (1205)

Манзил:

